



12 (56)-son  
2017-yil, dekabr

# IJODIY PARVOZ

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'nnaviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi



## Hurmatli institutimiz jamoasi, ustoz va hamkaslar!

Aziz va muhtaram jamoadoshlar, talabalar! Barchangizni kirib kelayotgan 2018-yil bilan chin qalbimdan tabriklayman. Oilangizga sihat-salomatlilik, baxt va quvondi tilayman.

Poyoniga yetib borayotgan 2017-yil har birimiz o'z faoliyatimizda qator yutuqlarga erishdik desak, mubolog'a bo'lmaydi. Yurtimizda "Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili" deb e'lon qilinigan 2017-yilda "Inson manfaatlari hamma narsadan ulug'" degan g'oya asosida katta ishlardan amalga oshirildi. O'zbekiston iqtisodiyoti yanada rivoj topdi, aholining turmush darajasi oshdi, mamlakatning xalqaro nufuzi ko'tarildi. Eng muhim, kishilarda O'zbekistonning ertangi kuniga bo'lgan ishonchi ortib bormoqda.

Ma'lumki, 2017-2021 – yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlanirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha "Harakatlar strategiyasi" qabul qilindi. Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev ta'biri bilan aytganda "Mazkur hujjat jamiyat hayotining barcha sohalaridagi tizimli islohotlarning "yo'l xaritasi"ga aylandi". Harakatlar strategiyasi ijrosi doirasida shu yilning o'zida 20 dan ortiq qonun va 700 dan ziyod qonunosti hujjatlari qabul qilindi.

2017-yil 3-avgust kuni davlatimiz rahbari mamlakatimiz ijodkor ziyyolilarini vakillari bilan uchrashuv o'tkazdi. Uchrashuvda madaniyatimiz va san'atimiz rivojlanishi hamda bu boradagi ijobjiy tendensiyalar bilan birga, ayrim salbiy holatlar, ularning jamiyat hayotidagi ta'siri xolisona va tanqidiy baholanib, o'z yechimini kutayotgan dolzarb muammolar bartaraf etildi. Ijodiy uyushmalar, Madaniyat vazirligi hamda uning tarkibidagi birlashma va tashkilotlar faoliyatini chucher tahlil etib, ijodkor ziyyolilarning bugungi kunda jamiyat hayoti, islohotlar jarayonidagi o'mi va vazifasini oshirish xususida qator fikr-mulohazalar yuritilishi madaniyatimiz, san'atimiz rivojlanishi yo'lida muhim bir voqeab o'lidi.

Bir so'z bilan aytganda, o'tib borayotgan yilda ijodkor va ziyyolilar o'z faoliyatlarida katta yutuqlarga erishdi. Kirib kelayotgan Yangi yilda institutimiz dasturiy vazifalarini amalga oshirishda

O'zbek xalqi xotirasida XX asrning so'ngi o'n yilligidagi shonli tarixiy voqealar abadiy muhrlanib qoladi. Aynan shu o'n yillikning boshlarida istiqlol sari qadam qo'yildi. Ajoddarlarimizning azaliv orzusi mustaqillik – o'z taqdirini o'zi belgilash huquqi qo'liga kiritildi. Bu yillarda insonparvar, demokratik davlatni va fuqarolik jamiyatini barpo etish uchun zarur zamin yaratildi. Yangi ming yillik boshi XXI asr – o'zbek xalqi uchun O'zbekistoni buyuk davlatga aylantirish va inson huquqlari ustuvor bo'lgan farovon hayot turish asri bo'ladi. 1992-yil 8-dekabrda moddama-modda ovoz berish yo'l bilan mustaqil O'zbekiston davlatining asosiy qonuni — Konstitutsiyasi qabul qilindi. Bu respublika tarixidagi buyuk voqeadir.

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutida ham ushbu kunni munosib nishonlash uchun tadbiriga institut professor-o'qituvchilari va talaba-yoshlari to'plandilar. Madhiyamiz sadolari ostida tadbir boshlandi.

Tadbirni institut rektori filologiya fanlari doktori, professor Ibrohim Yo'ldoshev kirish so'zi bilan ochib berdi. Institut rektori ishtirokchilarni bayram bilan qutlab, jamiyat hayotining barcha sohalarida tub yangilanish va bunyodkorlik ishlari keng ko'lamda izchil amalga oshirilayotganligini e'tirof etdi. Tadbirda namoyish etilgan "Kim edigu, kim bo'ldik" videoroligidan kelib chiqib, 1975-yillardagi Madaniyat instituti bilan

barchamiz bir jomu bir tan bo'lib mehnat qilishlariga ishonaman.

Joriy yil 22-dekabr kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga taqdim etgan Murojaatnomasida xalqimiz va jamiyatimizni ma'nnaviy yuksaltirishda madaniyat va san'at xodimlari oldida turgan dolzarb vazifalar aniq va batatsil bayon qilindi.

Mazkur vazifalar va topshiriplar ijrosini ta'minlash bo'yicha muayyan ishlardan amalga oshirilayotgan bo'lsada, madaniyat va san'at sohasida o'z echimimi kutayotgan, soha rahbarlaridan zarur tashabbus va mas'uliyatni talab etadigan qator muammolar mavjud.

Ayniqsa, 2017-yil 25-dekabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev huzurida Madaniyat vazirligi va Badiiy akademiyasi rahbarlarining hisobotlari muhokama qilindi. Unda sohadagi yutuqlar e'tirofi bilan birga mavjud kamchiliklar keskin tanqid ostiga olindi, ularni bartaraf etish, cohani rivojlanirish yuzasidan aniq qarorlar qabul qilindi.

"Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalari va texnologiyalarini qo'llab-quvvatlash" deb nom olgan 2018-yil institut professor-o'qituvchilari, talabalar, xodimlari oldida o'ta mas'uliyatlari davr hisoblanadi. Biz uchun ushbu yil yuksak malakali madaniyat va san'at xodimlarini tayyorlashni yanada takomillashtirish, ilmiy tadqiqot ishlari samaradorligini oshirish yili bo'ladi. Ayniqsa, talabalar ma'nnaviy olamini yuksaltirish, ularning ijtimoiy faolligini, siyosiy madaniyatini yanada taraqqiy ettirish ustuvor vazifa sifatida kun tartibida turadi.

Hurmatli hamkaslar, talabalar va institutimiz ishchi xodimlari! Yangi yil barchangizga muborak bo'lsin! Ta'lim-tarbiya, ijod, ilmiy tadqiqot sohalaridagi faoliyatining samarali, yurtimiz yanada obod va ko'rkan, osmonimiz musaffo bo'lsin, xonadonlaringizdan fayzu baraka arimasin.

Yangi yilingiz qutlug' bo'lsin!

**Ibrohim YO'L DOSHEV,**  
Institut rektori,  
filologiya fanlari doktori, professor

**Muhammad YUSUF,**  
O'zbekiston xalq shoiri

### YANGI YIL KECHASI

Ko'ngil ma'yus tortdi yilning so'ngida, Bilmmam, nimang bilan sehrlading, qor. Bugun kuppera-kunduz ko'zim o'ngida, Yana bir yoshimni o'g'irlading, qor. Qirqinchi qasrimga o'taymi endi, Kechagi yoshligim ertakmi endi?..

Bahorim yetgudek qo'lim uzatsam, Yetolmay dilimni ne deb yupatsam. Laylakqor, azizim, g'atal bayram bu — Kulib kuzatsammi, yig'lab kuzatsam... Dardim jim ichimga yutaymi endi, Kechagi yoshligim ertakmi endi?

So'rsang, sevinchimdan o'kinchim ko'proq, Sendan-da kumushroq sochimdag'i oq. Yilim kelmay turib, yilim ketmoqda, Ko'zda tabassum-u kiprikda titroq. Men ham sal shoshdim-da, qaytaymi endi, Kechagi yoshligim ertakmi endi?

Yangi yil,  
Kelaver qanday kelsang ham,  
Kimlar yetdi senga, kimlar yetmadni.  
Sen yangi yo'ldoshsan, sen yangi hamdam,  
Yo'qlab kelganining o'zi bir bayram.  
Qulog'ingga bir gap aytaymi, endi,  
Kechagi yoshligim ertakmi, endi...

## Konstitutsiya – faxrimiz, g'ururimiz

**“Konstitutsiya — xalqning siyosiy donoligi va tafakkuri mahsulidir.**  
Islom Karimov

ayni paytdagi O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining o'rtasida yer bilan osmoncha farq borligini, o'sha davrdagi ko'rimsiz binolar ta'mirlanib, yangidan-yangi binolar qad rostlaganini, bu respublikamiz istiqolga erishganidan so'ng hukumatimiz tomonidan yoshlarimizga ko'rsatilayotgan g'amxo'rlikning go'zal namunasi ekanligini, ertangi kun vorislari bo'lmish talaba-yoshlarimiz a'lo o'qishlari, namunalni xulqi va o'z iqtidorlarini to'la namoyon qilishlari uchun barcha sharoitlar mavjudligini samimiyat bilan ta'kidlab o'tdi.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi – oliy yuridik kuchga ega huquqiy hujjat ekanligi, uning qabul qilinishi esa huquqiy tiklanish va taraqqiyot sari qadam bo'lganligi alohida ta'kidlandi.

Huquqiy davlat yaratish sari rivojlanib borayotgan davlatimizda huquq ustuvorligini ta'minlab borish muhim vazifalaridan sanaladi. Konstitutsiyamizning ustuvorligi esa har birimizdan ulkan huquqiy mas'uliyatni talab qiladi. Ya'ni, bu mas'uliyat

konstitutsiya va qonunlarni bilishni, ularga amal qilib yashashni taqozo etadi. Bu esa konstitutsiyani o'rganish zarurligini bildiradi.

Kelajagi buyuk O'zbekistonniki yaratishga hissa qo'shish Vatan farzandlarining zimmasinga ulkan mas'uliyat yuklaydi. Yuksak mas'uliyatni anglab, jamiyatda o'rnatilgan tartib va intizomga amal qilib yashash huquqiy davlatga xos xususiyat hisoblanadi.

Shuni aytish kerakki, huquqiy davlat o'z-o'zidan bunyod bo'lmaydi. Buning uchun hayotda konstitutsiya va qonunlarning ustuvorligi ta'minlanishi zarur. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi asosida yuksak huquqiy ong va huquqiy madaniyat bo'lishi, mas'uliyat va majburiyatni his qilib yashash tarzi qaror topishi muhim.

O'z huquq, erkinlik va burchlarimizni yanada chuqurroq anglashda qonunlarni bilish muhim ahamiyat kasb etadi. Konstitutsiya huquq va erkinliklarni mustahkamlash bilan birga fuqarolar zimmasinga burch va mas'uliyatlar yuklaydi. Burch degani, avvalo konstitutsiyani o'qib o'rganishdan boshlanadi. Konstitutsiyani bilgan kishi o'z hatti-harakatini qonun do'risi ichida amalga oshiradi. Boshqa kishilarning hamda jamiyat va davlatning huquqini hurmat qiladi.

O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi – bu davlat va butun boshli



jamiyat hayotini tartibga solib turuvchi, har bir oilaga, har bir insonga ta'sir o'tkazuvchi jonli, ishlab turgan mexanizmdir!

Tadbir doirasida institut huzuridagi Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tarmoq markazi tinglovchilari tomonidan tayyorlangan ijodiy ishlardan ekspozitsiyasi namoyish etildi. Shuningdek, tadbirda O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimov nomidagi hamda Alisher Navoiy nomidagi davlat stipendiyasi sovrindorlariga mukofotlar taqdim etildi.

Bayram dasturida o'zbek mumtoz musiqa namunalaridan diltortar kuy va qo'shiqlar, o'zbek, ingлиз hamda rus tillarida o'qilgan she'riy kompozitsiyalar yig'ilganlarga chuqur taassurot qoldirdi.

**Zulkumor NARKUZIYEVA,**  
**Ma'nnaviyat va ma'rifat bo'limi boshlig'i**

Юртимизда ёшларга кенг имкониятлар берилалатти. Бу Республика миқёсида ўтказилётган кўрик-танловлар хамда фестивалларда ўз аксини томондо.

Айниқса, ҳар йили анъанага айланган “PROlogue 2017” - III Республика ёш киноижодкорларнинг киска метражли фильмлар танлови бунинг якқол исботидир. Бу йилги фестиваль Ўзбекистон ёшлар иттифоки, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги хамда Ёш киноижодкорлар кенгаши, Киноматографияни ривожлантириш маркази томонидан ўтказилди. 27-30 ноябрь кунлари “PROlogue 2017” - III Республика ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган киска метражли фильмлар III Республика фестивали ноанъанавий тарзда ташкил этилди. Ушбу танловгэ тавсия этилган барча фильмларда миллий ифтихор туйгулари, Ватан, она табиат, гўзаллик, инсонийлик, багрикенлик, бунёдкорлик, севги, меҳр-мухаббат каби мавзулар ёритилган.

Бу йилги фестивал дастури доирасида янги кинолойиҳалар пиччинги, режиссура, операторлик иши хамда драматургия соҳалари бўйича маҳорат дарслари, Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институти раҳбарлари иштирокида давра сұхбати ўтказилганлиги аввалги йилгиларидан фарқ қиласди. Шуну алоҳида таъкидлаш керакки, институтимиз талабалари фестивалда ташкилотчи ва иштирокчи сифатида фаол иштирок этиши. Фестивалнинг илк кунидан оқиштирокчиларни “Орамиздаги афсоналар” фотокўргазмаси ўзига жалб этиди. Унда ҳалқимизнинг ардокли санъаткорлари ва буюк режиссёrlарнинг фотолари жой олди. Шундан сўнг, фестивал дастурига кирган киска метражли фильмлар намошии бошланди. Биринчи куни режиссёр Мухлиса Азизованинг “У” номли фильми, Ж.Қизимуродовнинг

“Жаноза”, Ф.Насимовнинг “Нажот”, А.Баҳодировнинг “Ички Ҳакам” хамда С.Султоновларнинг “Устунсиз уй” каби фильмлари намоиш этилди.

Намоишидан сўнг маҳоратли кино режиссёр ва драматург Э.Ишмуҳаммадов, Оделша Агишев хамда А.Ҳамроевларнинг маҳорат дарслари ташкил этилди.

Фестивалнинг иккинчи куни “Ёшлар ва киноматография” мавзудаги ёш тадқиқотчи олимларнинг Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Бу йилги фестивалда илмий-амалий конференцияни ташкил этилиши, ёш киношуносларимиз учун маҳорат мактаби



бўлди. Конференция модератори Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти илмий ишлар проректори, с.ф.н., доцент Г.Э.Халиқулова хамда сўзга чиккан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори Фуркат Зокиров, Ўзбекистон ҳалқ артисти Элёр Ишмуҳаммадов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, ф.ф.д., профессор И.Ж. Йўлдашевлар томонидан ёш киноижод-

корларга яратилаётган имкониятлар ва улардан самарали фойдаланиш кераклиги тўғрисида таклиф ва тавсиялар берилди. Конференцияда жами 31 та маърузачи иштирок этиб, иккита “Кино санъати ёш олимларнигоҳида” хамда “Талаба ёшлар замонавий кино ҳакида” каби шўйбаблардаги маърузалар тингловчилар томонидан баҳс-мунозара га сабаб бўлди. Фестивалнинг иккинчи куни Б.Абдураҳмоновнинг “Мама”, М.Аликуловнинг “Пианино”, Д.Хожи-

матовнинг “Қимиз”, М.Муродовнинг “Фигон” хамда М.Аллокуловнинг “Хоразм жонгинам” каби фильмларнинг намоиши бўлиб ўтди.

“PROlogue 2017” фестивалининг учинчи кунида истеъоддли кино режиссёр Юсуф Розиков билан маҳорат дарслари бўлиб ўтди. “Киска метражли фильмлар фестивалининг ўтказилиши ёшларнинг ўз ишларини кўрсатиши учун катта имкониятларни очиб беради, иштирокчиларни ўзига ишончи ортди. Режиссёр ўз максадини кўрсата олмаса, у режиссёр бўла олмайди. Режиссёр томоша-

бинлар фикрини ҳисобга олиши керак. Мен кинода рол берастанимда актёрлардан келиб чикаман. Яхши кино олмоқчи бўлган ёшлар кўп китоб ўкиши, киноларни кузатиши, ўз устиди ишлами керак. Шунда унинг тасаввuri кенгайиб, хоҳлаётган нарсасини кўрсатиб бера олади», - дейди Ю.Розиков. Бундай учрашувлар ёш ижодкорларни янада кўпроқ меҳнат килишга, янги лойиҳалар устиди ишлашга ундейди.

Шу куни Ш.Холиковнинг “Дилемма”, З.Холиковнинг “Абадий жазо”, Ҳ.Алижоновнинг “Аквариум”, С.Ҳалимовнинг “Канотсиз фаришталар” хамда А.Илҳомжоновларнинг “Лимузин” фильмлари намоиши бўлиб ўтди.

Фильмлар намоишидан сўнг, “Халқаро кинофестиваль остонасида” мавзусида давра сұхбати ўтказилди. Унда келгуси йилда ўтказилиши режалаштирилаётган “PROlogue” халқаро кинофестивалига юкори савида тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар мухокама килиниб, соҳа мутахассисларнинг фикрлари ўрганилди хамда таклифлар берилди. Тадбирда сўзга чиккан “Ўзбеккино” Миллий Агентлиги бош директори Фуркат Зокиров ёш режиссёrlарнинг фестивалга кўйилган киска метражли фильмларининг савиаси юқорилиги, бадиий кенгашга уларни танлаш кийинчилик тудғирганини, ижодкор ёшларнинг кўпайиши савиляни фильмлар бойиб боришини таъминлашини таъкидлаб ўтди. Фестивалнинг тўртинчи куни унинг ёпилиши хамда “Қизил йўлакча” маросимлари

бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг барча таникли санъаткорлари, режиссёrlар ва кино ихлюсмандлари иштирок этиди.

Ўзбек киносининг дурдона асарларидан саундтреклар фестивалга ўзгача бир руҳ баҳш этиди. Улар билан биргаликда “PROlogue” голиблари тақдирланди. Жумладан, “Энг яхши сценарий” совринига (2017 йил битирувчиси) Мафтуна Аллокурова “Хоразм жонгинам” фильмни билан сазовор бўлди. “Энг яхши операторлик иши” номинациясида “Лимузин” фильмни учун 4-boskič талабаси Бахтиёр Атабаев тақдирланди.

“Энг яхши эркак роли” (“Устунсиз уй” фильмни учун мукофот 3-boskič талабаси Фотих Насимовга насиб бўлиб ўтди. Фильмлар намоишидан сўнг, “Халқаро кинофестиваль остонасида” мавзусида давра сұхбати ўтказилди. Унда келгуси йилда ўтказилиши режалаштирилаётган “PROlogue” халқаро кинофестивалига юкори савида тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар мухокама килиниб, соҳа мутахассисларнинг фикрлари ўрганилди хамда таклифлар берилди. Тадбирда сўзга чиккан “Ўзбеккино” Миллий Агентлиги бош директори Фуркат Зокиров ёш режиссёrlарнинг фестивалга кўйилган киска метражли фильмларининг савиаси юқорилиги, бадиий кенгашга уларни танлаш кийинчилик тудғирганини, ижодкор ёшларнинг кўпайиши савиляни фильмлар бойиб боришини таъминлашини таъкидлаб ўтди. Фестивалнинг тўртинчи куни унинг ёпилиши хамда “Қизил йўлакча” маросимлари

Гавхар НАЗАРОВА,  
“Санъат назарияси  
ва тарихи (киношунос)  
мутахассислиги  
1-boskič магистрати

## Ҳаракатлар стратегияси ва ижодкор зиёлилар бурчи

**Маълумки, бугунги глобаллашув жаҳаёнда жаҳон миқёсида чукур молиявий-иқтисодий инқироз давом этётган, давлатлар ўргасидаги рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўли ҳар томонлама таҳтил қилиниб, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш максадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди.**

Ушбу стратегияга мувофиқ, биринчидан, давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштириш; иккинчидан, конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини ислоҳ килиш; учинчидан, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш; тўртнинчидан, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш; бешинчидан, хавфезизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликини таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташкил сиёсат юритиш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олниди.

Ҳаракатлар стратегиясида барча соҳалар каби адабиёт ва санъат, маданият, оммавий аҳборот воситалари равнанини ҳам янги боскичга кўтариш асосий максад сифатида белгиланди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 августандаги “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш ҳалқимиз мъянивий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” деб номланган мъярузасини бугунги кундаги маданий ҳаётни таҳтил қилишдан ташқари мамлакатимизнинг бундан кейинги маданий ҳаётни кандай кечади, жамият ҳаётидан адабиёт ва санъат, маданиятнинг ўрни ва таъсирини нафакат сақлаб қолиш, балки кандай килиб уни кучайтириш мумкин, — деган саволларнинг ечимини топишга бағишли.

Мамлакат мъянивий ҳаётини янги боскичга кўтариш максадида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Бастиқорлар, Рассомлар, Театр

арбоблари, журналистлар ижодий уюшмалари, Ўзбекистон бадиий академияси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги сингариларининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, муносиб иш ва турмуш шароитини яратишга хизмат киладиган “Илҳом” жамоати фондини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси тайёрлангани маълум килинди.

Адабиёт ва санъат, маданият жабҳасида фаoliyат кўрсатаётган зиёлиларнинг ижод килишлари хамда истеъоддли ёшларга маҳорат сирларини ўрганишлари учун мамлакатимизнинг тоғли хушманзара масканларидан алоҳида жойлар ажратиш, меҳнат шароитларини янада яхшилаш учун алоҳида бинолар ажратиш, яъни бинолар қурилиши режалаштирилди.

Ижодкор зиёлиларни моддий ва мъянивий жихатдан ҳар томонлами кўллаб-куватлашга оид алоҳида лойиҳалар тайёрланмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаoliyатини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича бир қанча лойиҳаларга кўра унинг маддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, Қоралқопистон Республикаси ва барча вилоятларнинг энг яхши санъат коллежлари негизидаги Ўзбекистон давлат консерваториясининг ижодий таянч марказларини ташкил этиш режалаштирилди.

Фарғона водийси вилоятлари учун юкори малакалари маданиятни ходимлари тайёрлаш максадида 2017-2018 ўқув йилида Кўкон шаҳрида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг филиали ташкил этилди.

Давлатимиз томонидан республика маддий максадида 37та театр фаoliyатини таъминлаш максадида 2017 йилнинг ўзи учунгина 81 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди. “Ўзбеккино” миллий агентлиги учун ажратилган маблағ эса 12 миллиард 400 миллион сўмни ташкил этиди.

Бундан ташқари, йирик корхоналар, банклар, компаниялар билан ижодий маданият ташкилот ва муассасаларнинг ҳам-

корлиги ўрнатилди. Жумладан, Олмалик кон-металлургия компанияси билан институтимиз ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик иккита томонлами манфаатли бўлмоқда.

Олмалик кон-металлургия компанияси институтимизнинг ёзги спорт майдончасини таъмирлаб берган бўлса, кон-металлургия компаниясида институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан долзарб мавзуларда маърузалар ўқилди, сұхбатлар ўтказилди, концертлар уюштирилди.

Бугунги кунда ушбу ҳамкорлик янада фаол суръатда давом эттирилмоқда.

Адабиёт, санъат ва маданият ходимлари билан учрашувода улarda фаоллик, янги-янги ижодий гоялар ва ташабbusлар билан яшаш, изланиш руҳи етишмайтганлиги айтиб ўтилди.

Маърузада таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиз улкан қурилишлар ва бунёдкорлик майдонига айланган. Йирик замонавий бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Албатта, бу бунёдкорлик ишларининг ҳаммаси замонамизнинг ҳақиқий қарамонлари бўлган, ҳалқимизнинг иши, лекин улар ижодкорларнинг асарлари ҳаракамонларига айланмаганлиги ва мукаммал асарлар яратилмаганлиги каттиқ танқид остига олинди.

Театр ва кино санъати соҳасида ҳам ахвол кўнгилдагидек эмаслиги, уларнинг репертуарлари гоявий-бадиий жихатдан ночор эканлиги, бугунги кунда фуқароларимизни ўйлантираётган, уларни кийнаётган ижтимоий муаммолар асарларда ўз аксини топмаётганлиги, буюк аждодларимиз киёфаси акс этмайтгани, одамларга на мъянивий озука, на эстетик завқ берга олмайдиган енгил-елли асарлар намоиш этилаётганлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Айниқса, эстрада санъатида кўпчилик кўшикчилар масъулиятсизлик билан санъат дунёсига, мухлисларга хурмат туйусидан бегоналашиб бораётганлиги ташкил килинди.

Маданият ва санъат муассасаларида меҳнат килаётган кадрларнинг 50 foizidan зиёди олий маълумотли эмаслиги, туманларда жойлашган болалар мусика ва санъат мактабларида ишлайтган ўқитувчиларнинг 72 foizi маҳсус маълумотга эга эмас-

лиги, шунинг учун ҳам энг аввало маданият ва санъат ўйналишидаги олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар, мусика ва санъат мактабларининг фаолиятини тубдан кўриб чикиш масаласи илгари сурилди.

Шунингдек, гоявий-бадиий жихатдан саёз асарларга, фильмлар, спектакллар, кўргазма ва концерт дастурларига матбуот орқали пренципиал, холос баҳо берилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунинг учун ҳам юқорида билдирилган танқидий фикрлардан тегиши хулоса чиқариб, куйидаги масалаларга асосий эътиборни картишимиз зарур:

- маданият, таълим-тарбия тизимида нағоён бўлаётган жаҳолатнинг ҳар кандай кўринишига маърифат воситасида қарши курашиш к

Milletler ara tatiqliq, jaqin qon'sishiliq baylanislarin ornatiw keleshek a'wlatlardi milliy qa'diryatlar ruwxinda ta'rbiyalaw siyaqli insaniyliq paziletler bu'gingi barliq watandaslarimiz o'mirinin' basli waziypasina aylanip barmaqda.

Jurtbasshimiz ha'm mine usi ma'selede ko'plegen jumislardi, natijeli reformalardi a'melge asirip kelmekte.

Kuni keshe O'zbekistan ma'mleketlik ko'rakem-o'ner ha'm ma'deniyat institutindan bolip o'tken "Qoraqalpoq navolari o'zbek yoshlar ijrosida" atli konser bag'darlamasinda mine usi joqardag'I pikirlerimizdin' ayqin da'lili bolip esaplanadi. Institutimizdin' "Xaliq do'retiwshilik" fakulteti "Folklor ha'm etnografiya" kafedrasi oqitiwshisi Bibaysha Qudaybergenova basshilig'inda sho'lkemlestirilgen keshede qatnasqan talaba jaslar ta'repinen tayarlangu'an ba'rshe qosiqlar tek g'ana janli hawazda atqardi. Muzika basshilari konser dasturin qaraqalpaq awizeki do'retpesi, milliy folklor u'lgileri menen bayitqan. Sonday-aq bag'darlamadan orin alg'an "Qaraqalpaqtin' nesi bar", "Nigarim", "Qurdasjan", "Qiz ha'zili", "Qaraqalpaq qizlari", "Bibisanemni" siyaqli xaliq qosiqlari ata-babalardan qalaberde awlatdan-awlatqa o'tip keyatirg'an miras, sonday-aq

millettin' maqtanishi ha'm asirlik muzikasi desek adaspag'an bolamiz.

Mine usi quoqlarda qaraqalpaq milletinin' milliy ma'denyati, turmis tarizi menen bir qatarda u'rp-a'detleri ayqin ko'zge tu'sedi. Mine usinday qosiqlardi tin'lag'an h'ar qanday insan kewlinde, millet o'tmishine bolg'an qizig'iwi shiliq, bay mirasina bolg'an hu'metti artadi. Konsertte jas atqariwshiliq ko'rik tan'law lauryanti Yulduz Abduraxmanova, Bekzot Ergashov, Ramzjon Zakirov, Dilrabo Muxammadyusupova, Maftuna Toraeva, siyaqli instituttin' belsesti o'zbek talaba jaslar qaraqalpaq xaliq qosiqlari o'z tilindey sap qaraqalpaq tilinde mehir menen atqardi.

Asirese iqlaspentlerdin' jureginin' to'rinen orin alg'an shayir, O'zbekistan ha'm Qaraqalpaqstan xaliq shayri I. Yusupov, kompazitor Q.Turdiqulovlar tarepinen dunyag'a kelgen "Menin' jigit waqtim, senin' qiz waxtin" qosig'in Paraxat Mamutovtin' o'zgeshe atqariwshiliq sheberligi, jag'imli irg'ag'i, ashiq dawisi menen konserte kelgen tamashago'yerdin' kewlinen ayriqsha orin iyeledi.

Qatnasiwshilar ta'repinen tayarlangu'an kon-

sert bag'darlamasi, talaba jaslardin' qa'bileti konsertge joqari keypiyat ha'mde tamashago'yerle ko'terin'ki ruh bag'ishladi.

Jas atqariwshilardin' ha'r bir shig'isi, tamashago'yer ta'repinen ayriqsha qollap-quwatlawlar menen ku'tip alindi, qalaberse konsert iqlasbentlerinin' joqari siyliqlari menen qarsi alindi. A'sirese olar ta'repinen kiyip shig'ilg'an qaraqalpaq milliy kiyimler, sonday-aq qaraqalpaq xalqinin' a'zeliy tuwissqanshiliq ha'm bawirman-shiliq urani astindag'i muqqaddes insaniyliq mu'nasebetletlerin ko'rsetip beriwe, tamashago'yerdi milliy ortaliqua alip ke'lip g'ana qoymay, ba'lkim asirler asa jasap keyatirg'an milliy ma'denyatimiz, u'rp-a'detlerimizdin' bu'gingi ku'n jaslar ushin ha'm qadirli ekenin da'llep berdi.

Konsert son'inda ruwxiyliq isleri boyinsha prorektor Davlat Mullajonovtin' mine usinday shirayli ha'mde go'zzal keshelerdin' ustazlar basshilig'inda jaslar ta'repinen saxnag'a alip shig'iliwi, tamashago'yer ruhiyatina ko'terinki keypat bag'ishlap, usinday konsert bag'darlamalarin tez-tezden sho'lkemlestiriliw kerekligin

bildirip o'tti. So'z son'inda talaba jaslardin' keying izleniwi islerinde ha'mde do'retiwshilik jumislarda u'lken tabislardan tiledi.

Haqqiyatindan da milliy namalar, tarixiy ma'denyat, waxit shig'irig'inan aman o'te alg'an biybaha qadiryatlarimiz, makan ha'm zaman tan'lamaydi.

Qaraqalpaq xalqinin' milliy qosiqlari o'zbek jaslar ta'repinen joqari da'rijede atqariwi, bul eki xalqit'in' neshe asinden berli qadirdan ekenligin da'llep beredi. Mine usinday tili, dini, milliyligi, urp-a'detler bir-birine jaqin bolg'an eki xalqit'in' jas ko'rakem-o'ner izleniwshileri ta'repinen janli ta'rizede o'tkerilgen konsert bag'darlamasinin' dawam etiwin, ustazlar ta'repinen ko'birek sho'lkemlestiriliwin tilep qalamiz. Sebebi babalarimiz "Jasliqta aling'an bilim, tasqa oyilg'an nag'is" dep biykarg'a aytpag'an.

**Damir URAZBAYEV,  
"Estrada ha'm massaliq tamashalar  
rejessyorliq"  
kafedrasini magistranti**

## УНУТИЛМАС ҲОДИСАЛАР

Инсон умрининг унтилмас сониялари самарали натижалар эришган онларда содир бўлади. Вакт ўз йўлида шиддат билан одимлайвераркан, бу дунёда факатгина эзгу амаллар, эришилган улкан ютуқларнинг ёзят сермахсул сарҳисоби тарихга муҳралана-веради. Институтимизнинг "Санъатшунослик ва маданиятшуно-лик" кафедраси ҳаётида ҳам биргина декабрь ойининг ўзида ана шундай унтилмас ҳодисалар содир бўлди.

2017 йил 20 декабрь санасида кафедранинг фидойи ўқитувчisi, ҳалқimiz фахри бўлмиш санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тешабой Баяндиеvнинг муборак 87 ёши нишонланди. Институт ректори Иброҳим Йўлдошев устозни табриклаб, қалбидаги илик тилакларини изҳор этдилар. Таъкидлаш жоизки, устознинг меҳнат фаолияти серунум, театр назариясининг ривожланишига улкан хисса кўшиди. Ушбу таваллуд айёми нафакат барчамиз фахрланиб юрадиган устозимизнинг, балки санъатшуносликимизнинг ҳам унтилмас куни десак, хато бўлмайди.

21 декабрь куни эса институтимизнинг малакали домлаларидан бири, кафедра аъзоси, санъатшунослик фанлари доктори Сарвиноз Кодирова профессор илмий унвонига эга бўлдилар. Фаолиятини ўзбек театр тараққиётiga бағишилаган устозимизнинг бундай шарафли илмий унвонга эришишлари кўксимизни янада ғурурга тўлдириб юборди. Малакали педагогларимизнинг илмий йўлидаги бу каби ютуқлари мазкур йўналишида таҳсил олаётган барча талabalар, шунингдек, ўз кобилиятларини янада шакллантириш учун кенгроқ изла-наётган магистрант ҳамда докторантларимиз учун ибрат бўла олади. Сарвиноз Мухсиновна санъатшунослик илми бўйича яратган бой назарий мерос, ижодий фаолият ҳамда давомий изланишлар бир умрга ўзбек театр тарихidan ўрин олганига шубха йўқ.

**Гавҳар НАЗАРОВА,  
Достонбек РАХМАТУЛЛАЕВ,  
Муҳбирлар клуби аъзолари**

## JONKUYAR VA IZLANUVCHAN IJODKOR

Har yerda hozir, izlanuvchan, jonkuyar ijodkor, talabalar va shogirdlariga g'amxo'r, shuning bilan birga talabchan va mohir ustoz Bahodir Mag'diyev qariyb 25 yıldan buyon ijodiy izlanishda. Murabbiyilik faoliyatlarini boshlaganiga oz vaqt bo'lgan bo'lsa-da, talabalar ko'ngligan joy olishga ulgudi. Ular doim institutning tadbir va kechalarida hozir-nozir, shu bilan birga talabalarga bilim berish, shogirdlar bilan yakka mashg'ulotlarda ishslash, radio va dublab sohasidagi faoliyatlarini ham mohirlik bilan olib bormoqda. Gohida o'yab qolasan kishi, ustoz bu qadar ko'p va o'ta mas'uliyatlari ishlarga qachon va qanday ulgurar ekan-a?

Bugun ustoz o'zining sa'y-harakatlari bilan O'zbekiston Respublikasi Si Konstitutsiyasining 25 yilligi munosabati bilan ko'krak nishoni bilan taqdirlandilar. "Bu yutuq avvalo ota-onam, qolaversa xalqim, muxlislarimni. Ular borki izlanishdaman. Agar ular bo'lismasa qanday qilib bu darajaga ko'tarila olar edim?", — deydi B.Magdiyev.

Chindan ham xalq san'atkoring xolisona baholovchisi, qachonki, ijodkor olqishga sazovor bo'lsa, demak u chindan ham o'z kasbining mohir ustasidir. Mana shuning o'zi inson uchun katta baxt aslida! Istaymizki, ushu mukofot tuhfalarning boshlanishi bo'lsin va o'z ortidan bundan-da yuksak yutuqlarni olib kelsin.

**Shahnoza RUSTAMALIYEVA,  
"Ijtimoiy-madaniy faoliyat" ta'lim yo'nalishi 2-bosqich talabasi,  
Muhbirlar klubu a'zosi**

## Таваллуд айтёмингиз муборак бўлсин!

Ўз касбини улуглаш, уни севиш, ардоқлаш ва нихоят унинг ортидан шараф топиш, ҳар қандай инсон учун энг олий саодат бўлса керак. Устозимиз Маннон Убайдуллаев таъбири билан айтгандан: "Касбга хиёнат қилиш — ризққа хиёнат билан баробар", — дейдилар.

Ўзбекистон Respublikasida xizmat кўrsatgancha ёшлар мураббийси, "Қўғирчоқ театри санъати" кафедраси профессори М.Ашуррова ана шундай ўз касбинing фидойиларидан. Унинг касб маҳорати, у саҳналаштирган спектakllar kudrat, tannlangan asar қаҳрамонлари кечинмалари орқали ёш томошабинни индивидуал сифатларини кашф этилишида, болалиқдан шакллантиришга ижодий таъсир ўтказиш йўли билан амалга оширишda кўринади. Жумладан, Ватангга муҳабbat, rostg'oylik, marqlik, d'ostlik, oqizlarni kўlla, sevgiga sadokat v.x.k. Bu mazmununda teatrлар учун ёзилаётган пъесалар айниқса, муҳим xisoblanadi. Бунинг учун қўғирчоқ театри санъати, унинг ўзига хос профессионал имконият ва талabalarini biliш, tendeciyaliridandan xabaror bўliш, энг муҳими, bu санъат turinini seviш керак бўлadi.

Bugun ўзининг 65 ёшини қарши olaётgan M.Ashurovanning "Мехрдан яралган олам" nomli pъesalar tўplamasi ўз ichiga ana shunday sinnolardan toblangan asarlarini ўz ichiga oлади va нашрга tай'erlandi. Bu tўplam ҳам юбилейга munosib совфа bўliш arafasiida.

Эндилиқda tўplam Respublikamizda фаолият олиб boraётgan ўnta давлат қўғирchоқ teatrлari жамoasi va ЎзДСМИda таъlim olaётgan "Саҳna va ekran dramaturgiasи", "Қўғирchоқ teatr ak'terligi" таъlim йўналишлari учун ҳам ўкув адабiyatlardan бири bўliб xizmat kilaди. Bu aktёр kadrлarни tarbijalaşda, ularning kасбий maҳoratlini ўстиришda ёш pedagoglарga maҳoratini шакллантиришda tajanch manbalardan бири bўladi. Ушбу kitob, ishonch bilan aйтиш mumkinki, mazkur



таъlim йўналишида таҳsил olaётgan talabalarning kасbий maҳoratlarini oshiришda, ularning rakobatbardosh kadrлar bўliishiда яна bir asosiy manbalalar қatoriidan жой topadi. Кафедramiz профессори Maryam Ashurovaga 65 baҳор mуборак deb, metin soғlik, ustozlik faoliyatlarida muvaффакiyat xamroh bўliшини tilaymiz. Йillar tўfonida bosib ўtilgan ijodiy йўllar эса давомий bўlsin, deb kolamiz.

**Аъзамжон АБДУХАЛИЛОВ,  
"Қўғирchоқ teatrni санъати"  
кафедраси мудири**

Talabalar hayotidan

Germaniyada Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan bir nechta kasallik turlari aniqlandi. Bu kasalliklar safiga yana bir kasallik qo'shildi. Uning davosini topish ilojsiz emish. Kasallik talabalar orasida ham keng tarqalgan. Bu - KECHIKISH kasalligidir!

## «Achchiq danak»

Ammo bizning institutda bu kasallik bilan og'riganlarga qarshi tad-birlar qo'llash boshlab yuborildi. Shu ma'noda institutimiz gazetasida "Achchiq danak" sahifasi ish boshladidi.

Talabalar turar joyi bu - talabalik oltin davrining ko'proq vaqt o'tadigan maskan. Uning o'z qonun-qoidalari bor. Shu qonun-qoidalarga amal qilmasdan, talabalar turar joyiga kechikib kelayotgan talabalarining safi ortayotgani kishi ta'bini xira qiladi. Bu illatning oldini olish maqsadida surunkasiga turar joyga kechikib kelayotgan talabalarining bir nechtasini aytib o'tish joiz, deb topildi.

1. Chamanov Oybek, "Xalq ashula va raqs ansambliga rahbarlik" ta'lim yo'naliishi 4-bosqich talabasi;

2. Otepbergenov Ajiniyaz, "Rejissyorlik (estrada va ommaviy tomoshalar rejissyorligi)" mutahassisligi 2-bosqich magistranti;

3. Dostonov Otajon, "Kinooperatorlik" mutahassisligi 1-bosqich magistranti;

4. Ibdullayev Habibulla, "Ijtimoiy madaniy faoliyat" ta'lim yo'naliishi 2-bosqich talabasi;

O'yaymizki, gazetamizning keyingi sonida yuqorida nomi keltirilgan talabalarining ham surunkasiga kechikib kelayotgan boshqa talabalarining ham ism familiyasini "Achchiq danak" sahifasida e'tirof etishga o'rinn qolmaydi. Aksinchalardan bir qator ilmiy-ijodiy yutuqlarni kutib qolamiz.

Ma'naviyat va ma'rifat bo'limi

## Madaniyat va san'at terminlari lug'ati

**Ma'rifat** [a] 1 Kishilarning ong-bilimi, madaniyatini oshirishga qaratilgan ta'lim-tarbiya; 2 Ma'rifat (xotin-qizlar ismi).

**Maorif** [a] 1 Kishining bilim va ongini oshirish, umumiyyat savyasini ko'tarish uchun qaratilgan ta'lim-tarbiya, ilm-urfon; ma'rifat. 2 ta'lim-tarbiya, mакtab ishlarini boshqaruvchi idora.

**Muallim** [a] 1 Dars beruvchi kishi; o'qituvchi, pedagog. 2 Ta'lim beruvchi, birovga biror narsa o'rgatuvchi kishi.

**Mudarris** [a] Madrasada dars beruvchi kishi, madrasa o'qituvchisi.

**Maktab** [a] 1 Yosh avlodga savod o'rgatib uni ma'lumotli qiluvchi ta'lim-tarbiya muassasasi. 2 Kasb, hunar, ixtisos o'rganiladigan o'quv yurti. 3 Ilm-fan, san'at, adabiyot, ijtimoiy faoliyat sohsida biror oqim, yo'naliish. 4 O'rganish, tajriba orttirish, o'rnak olish manbai.

**Muallif** [a] kt. Biror asarni yozgan kishi; avtor.

**Munaqqid** [a] esk. kt. ayn. Tanqidchi.

**Musharraf** [a] 1 kt. Sharafli, shonli. 2 Sharafga tuyassar bo'lgan, sharaf topgan. 3 Musharraf (xotin-qizlar ismi).

## Ёшлар тарбиясида санъат ва маданиятнинг ўрни

Давлатимиз мустакилликка эришганидан сўнг илм-фан, маданият ва санъатнинг ривожи учун катта имкониятлар эшиги очилди. Зеро, санъат маданият ва маънавият уйғулиги инсоннинг эстетик лидидини шакллантиришда бекиёс омил ҳисобланади. Айниқса бу училикнинг ахамияти буғуни глобаллашув шароитида долзарб ахамият касб этади.

Бугунги кунда "Оммавий маданият" тушунчалиси ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатмоқда. Биз ёшлар бу иллатга карши курашишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президент Ислом Абдуганиевич Каримов айтганларидек, "Фикрга карши фикр, гояя карши foя, жаҳолатга карши маъrifat билан курашмогимиз керак", деган фикрларини ўзимизга шиор килиб олишимиз лозим. Бугунги кунда байзи ёшларимизнинг гарб маданиятига таклид килаётгани барчамизни ташвишга солмоқда. "Оммавий маданият" га карши курашиш олдимизда турган энг асосий вазифалардан биридир. "Оммавий маданият" тури бўлган яна бир муаммо бу гарбда пайдо бўлган "Поп", "Рок", "Джаз" ва шунга ўхшаш талвасали ва зарбли мусикаларdir. Айни пайдада ана шу мусикаларни ёшларимиз доимий равишда тинглаб келмоқда. Оқибатда эса миллий мусика ва

классик дурдоналарига бўлган эътибор камайиб бормоқда. Албатта, биз бу жараёнга четдан караб тura олмаймиз. Уларга карши миллий санъатимиз ва миллий маънавиятимиз билан курашмогимиз керак. Ўсиб келаётган ёш авлод қалбida миллий мусики санъатига бўлган муҳabbatini уйготa олсан, уларнинг қалбидаги ватанга бўлган садоқат хисси мустаҳкам бўлади.

Мамлакатимизда кўшикчилик маданияти ва уни ривожлантиришнинг бошқарув тизими билан уйғулиги таъминланди. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолияти кучаймоқда. Миллий кўшикчилик санъати ривожига тўсик бўладиган, мафкуравий жиҳатдан миллий манбаатларга мос келмайдиган кўшиккларни яратишga имкон бермайдигan бошқарув механизми юзага келди. Кўшикчилик санъати - миллий маданиятимизда демократик тамойилларни рад этиш эмас, аксинча, миллий

манбаатларни химоя килувchi ҳолатdir. Бунинг учун нима килмогимиз лозим? Миллийлигимизни тарhib киладиган, ўзимизни англатадиган ва менталитетимизга хос санъат асарларини яратишimiz давр талабидir. Бу борада биз санъат аҳли, яъни изодкорлар, аввал ўзимиз ўрнак бўлишиимиз лозим. На сўзида, на мусникасида маъно-мазмун бўлмаган "кўшикклар" бир томондан маънавий хаётимизни саёзлаштираётган бўлса, бошка томондан кишиларда бундай "санъатдан" беших ҳолат юзага келмоқда. Санъаткор - бу, энг аввали, халқning назарида бўлган инсон, халқни ўзига қаратишга ва уларни ўзига эргаштиришга кодир бўлган сиймодир. Шундай экан биз, бўлажак педагог сифатida маънавий салоҳият ва маърифий тарбияга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Чунки санъаткор дегани ҳар томонлама мукаммат инсон бўлиши керак. Сабаби муҳlislar ўзи ёктирган санъаткорига бевосита таклид қилидилар. Агарда санъаткор маънавиятли бўлса, кийиниши ва ўзини тутиш борасида маданият соҳасидаги миллий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қиласа, ўйлаймизки муҳlislariga ҳам ўрнак бўлади.

Бунинг исботи сифатida айтиш жоизки, жорий

йилнинг 2017 йил 3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирligi ҳамда Республика маънавият ва маъриfat маркази ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу келишув юкорида айтиб ўтган фикри-мизинг ёрқин далилидир. Театр санъати, миллий ва замонавий кўшикчилик, ракс санъати ҳамда телерадио каналларida эфирга узатиладиган кўшик ва клипларнинг мазмун-моҳияти миллий маънавиятимизни юксалтиришга кўшаётган хиссаси, тарhibot ишлари, изодкорларнинг фаолияти, кийиниш маданияти, имиджи, муомала маданиятини назорат қилишини кўзда тутивчи ҳамкорлик ишлари, ахлоқий тарбия масалаларида кенг кўллами фаолият олиб борилиши назарда тутилган. Бизнингча, ҳозирги кўшикчилик санъатимизни янада ривожлантириш, унинг жамият хаётидаги, баркамол авлод тарбиясидаги, ёшларнинг маънавий бойлигини оширишда мутасадди мутахassislar ўз зimmelariдаги маъсулиятларини унутмасликлari зарур.

Нилуфар ҲАСАНОВА,  
КТ: Халқ ижодиёт (вокал ижроилиги)  
таълим ўйналиши 2-bosqich talabasi

## Yoshlik sururi

Salom tengdoshim! Talabalik gashtini surish bunchalar huzurbaxsh-a?! Ta'lim olish jarayoni, ijodiy faoliyat, tadbiru-bayramlarda, dars xonalari bo'lib o'tayotgan qiziqarli ajoyib voqealar barchamizning xotira kitobimizga abadiy muhrlanib golishi shubhasiz.

O'qituvchilar bilimlarini bizga beminnat ulashmoqda. Ana endi uning natijasini bilish maqsadida berilgan nazorat ishlarini yozish bizning vazifamiz. Shunday kunlarda barcha talabalarga jon kirgan. Kimdir bilimiga, kimdir kitobga, yana kimdir qo'shni kursdosh qizga ishonardi. Nazorat ishlarini yakunlab topshirdigu, baholarni kuta boshladik. Ustozimiz talabalarning ballarini e'lon qilar ekan, negadir menga kelganda ikkilanib qoldi. Shundoq ham yuragim qattiq urayotgan edi, endi esa xuddi urmayotgandek...

Nishonboyeva, nega nazorat ishini ikkita daftarga yozding? — dedi o'qituvchimiz.

Men nima deyishni ham bilmay qoldim. O'sha kunni eslay boshladim, bitta daftarga arang yozib ulgurganim ham esimda. Shu payt orqa partada o'tirgan kursdoshim baland ovoz bilan kulib yubordi. Butun auditoriya hayron, u esa hamon kulish bilan band edi. Ayon bo'lishicha, kursdoshim yonimda o'tirib ko'chirishga chunonam berilib ketganligidan, hatto mening ism sharifimni ham bir xilda ko'chirib qo'yanan ekan.

Muazzam NISHONBOYEVA,  
"Sahna va ekran san'ati dramaturgiysi"  
ta'limi yo'naliishi 3-bosqich talabasi

Erta tong hamma yoq oppaq,  
G'ubor yo'q pokiza mutloq.  
Qor deb shu on qo'lyugurdii,  
Va qor mehrga aylandi.

Qor go'zallik obi-hayot,  
Dehqonlarga berar najot.  
Qishning ko'rik albatta qor,  
Yog'masa qish holi abgor.

Qor bu-poklik ramziidir,  
Bo'lsa oqko'ngil yaxshidir.  
Niyatim bo'lsin ko'ngil oq,  
Oq qorga burkansin haryoq.

Muhammad ABDURAPOV,  
"Xalq ashula va raqs ansambliga rahbarlik" yo'naliishi  
1-bosqich talabasi

## Муассис:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Бош мухаррир:  
Нафиса РАЙМОХУЛОВА

Таҳир хайъати:  
Гўзлал ХОЛИҚУЛОВА  
Ҳамодам ИСМОИЛОВ  
Антонино КОШЕЛЕВА

Рашид УЧАТОВ

Масъул котиб:  
Хуришида ФАЙЗУЛЛАЕВА

Муҳбирлар клуби сардорлари:  
Муҳаррар БОЗОРОВА  
Шавкат ДЎСТМУХАММАД

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ялонҷон мавзеси, 127 А уй.

Тел.: +99890 374-24-25; +99871 230-28-13

www.dsni.uz; dsni\_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.  
Манзил: Ўрта Чирчик тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ – 1.

Саҳифаловчи:  
Дилмурад ДЎСТБЕКОВ

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 раками  
билинг 2012 йил 19 декабрda рўйхатга олинган.  
Буюртма: 763